

ЎСИМЛИК ХОМАШЁЛАРИ ДАНАГИДАН ЁҒ ОЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бухоро Мұхандислик технология институти
профессори Джўраев Х.Ф.

Бухоро Мұхандислик технология институти
докторанти Ўқтамова Ш.Х.

Аннотация: Мақолада Республикаизда етиштирилаётган ўсимлик хомашёлари данагидан ёғ олиш жараёнининг моҳияти ва ушбу данаклардан пресслаш ва экстракциялаш технологик жараёнлари ёрдамида ёғ олиш жараёнининг тавсифи келтирилган. Ушбу технологик жараёнлар ёрдамида олинган ёғ иқтисодий самарали истеъмолпоб маҳсулотни ишлаб чиқаришга қаратилган.

Калит сўзлар: пресслаш ва экстракция жараёнлари, пахта, зифир, кунгабоқар, қовоқдан ёғ олиш жараёни тавсифи, ўсимлик мойлари.

Бугунги қунда ўсимлик хомашёларидаш ёғ олиш жараёни долзарб ҳисобланиб бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўсимлик мойлари олишнинг икки усули саноатда қўлланилаётгани учун мойли хомашёлардан мой олишда ҳозирги вақтда амалиётда қуйидаги технологик жараёнлар қўлланилади:

1. Пресслаш орқали борадиган жараёнлар:

- шнекли прессларда бир маротаба пресслаш;
- шнекли прессларда икки маротаба пресслаш, бир қисм бошланғич ва охиригача пресслаб мой олиш;
- шнекли прессларда уч марта пресслаб икки маротаба, бир қисм бошланғич ва бир марта охиригача пресслаб мой олиш.

2. Экстракциялаш билан борадиган жараёнлар:

- тўғридан тўғри экстракциялаб мой олиш;
- шнекли прессларда бир қисм мойни ажратиш ва экстракциялаш (форпресс-экстракция);
- шнекли прессда икки марта пресслаб мой олиш ва экстракциялаш.

Ўсимлик хомашёлари ҳисобланган пахта, зифир, кунгабоқардан ёғ олиш жараёни бўйича бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган [1].

Пахта чигити мағзидан ёғ олиш учун бир қатор олимлар тадқиқот ишини олиб борган. Муаллифлар В.В. Арутюняна, В.М. Белобородова, С. Дуфауре, Р. Охлсон, А.Г. Копейковскогого, В.В. Ключкина, Е.П. Корненой, Н.А. Калашевой, Х. Като, Ф.Я. Рудика, Й. Кобайashi, О.А. Кислухиной, В.Х.Пароняна, П.А.Ребиндера, А.Китабатаке, Н.Тахара, Х.Б.Бхаратх, С.Камини, А.А.Шмидта,

С.Обраеналар томонидан совуқ пресслаш орқали ёғ олиш амалга оширилган. Бунда пахта чигити магзи икки валли тегирмондан ўтказилиб сўнг (лепесток) 17% шлюха қўшилиб пресслаш жараёни амалга оширилган. Максимал намлиги 14%. Пресс ускунаси маҳсулотдан ёғ сиқиб олиш учун ишлатилади. Ўртacha ёғнинг емда қолдиқ микдори 5-5,5% ни ташкил қиласи. Масалан чигитдан ёғни олиш фоизи 16% гача ташкил қиласи. Ускуна комплектида заводда ишлаб чиқарилган маҳсус 22 kW лик матор билан жиҳозланган. Ёғ пресслаш ускунасидан ёғ ва кунжара чиқади. Кунжарада қолган 5-6% микдоридаги ёғни олиш учун экстракциялаш ускунаси ишлатилади [2].

Пахта ёғини экстракциялаш орқали ишлаб чиқариш босқичлари:

- 1) Чигитни пресслаб, қора ёғ олиши қисми
- 2) Қора ёғни рафинациялаш, оқартириши ва дезодорациялаш
- 3) Кунжарани экстракциялаш орқали ёғини олиши ва тозалаши
- 4) Ёғни сифатини лабораториядан ўтказилиши ва қадоқлаши

Ишлаб чиқариш жараёни энг аввало чигит учун омбордан бошланади. Ушбу линиямиз ишлаб чиқариш қуввати бир мунча юқори бўлганлиги учун мижозларимизга 50T лик тарози олиш таклиф этилади. Тарози бинога кириш қисмида ўрнатилади ва завод ичига кирувчи ва ундан чиқиб кетувчи маҳсулот ўлчанади.

Экстракциялаш маҳсус экстракция бензини ёки 95% ли этанол ёрдамида амалга оширилади. Экстракция жараёнида кунжарада қолган 5-6% атрофидаги қолдиқ ёғ олинади ва шротда 1-1,5% атрофика қолади. Экстракция усулида олинган ёғ техник ёғ ҳисобланади. Уни рафинация дезодорация қилиб истеъмол қилишга рухсат этилмоқда. Этил спирти ёғ таркибидан тез ва тўлиқ учуб кетади. Шу билан барча ишлаб чиқариш жараёнларидан сўнг маҳсулотлар қадоқланиб ўз эгаларига топширилади.

Кунгабоқардан ёғ олиш жараёни бўйича А.И.Глушенкова, Ю.К.Кадиров, А.Т.Ильясов, С.А.Абдурахимов, Г.У.Тилляева, И.Б.Исабаев муаллифлар ўз ишларини олиб боришган. Кунгабоқар уруғлари тозаланиб элак ажратгичда эланади. Сўнгра тарозида тортилади ва шахтали қуритгичида қуритишига юборилади. Қуритиши натижасида уруғларнинг намлиги 10-15 дан 2-7% гача камаяди. Уруғлар +50 °C дан +35 °C гача совутилади [3].

Кунгабоқар ёғини ишлаб чиқариш бир неча босқичда амалга оширилади:

- тозалаш;
- центрифугалаш;
- филтрлаш;
- гидроксид ва сулфат ёрдамида тозалаш;
- гидрация;
- оқартириш;

- дезодоризация (маҳсулот ҳиддан ҳалос бўлади);
- совуқ пресслаш - ёғ 10-12 даражада Селсий ҳароратгача совутилади.

Уруғларни тозалаш (қобиқнинг қулаши ва ажралиши) дискли тегирмонда амалга оширилади. Чиганоқлар аспиратсия қозонида (ҳаво элак машинаси) ядродан ажратилади [4]. Уруғлар махсус машиналарда майдаланади. Кейин майдаланган уруғлар тўғридан-тўғри экстракторда эритувчи (А ва Б маркали бензин ёки гексан) киритилади ёки мойни ажратиб олиш учун винтли прессга босилади. Тўғридан-тўғри экстракция натижасида ёғнинг эритувчи (суюқ фаза) ва ун (қаттиқ фаза - уруғ толаси қолдиқлари) билан аралашмаси олинади.

Ёғ филтр прессида филтрланади. Сиқиши натижасида олинган кунгабоқар қолдиги 4 дан 17% гача ёғни ўз ичига олади. Агар тўғридан-тўғри экстракция ишлатилса, олдиндан сиқиши босқичи ўтказиб юборилади.

Қадимдан қовоқ уруғи пўстидан тайёрланган ёғ эмульсияси турли лентасимон гижжаларни ҳайдашда ишлатиб келинган. Ўт ҳайдовчи ва енгил ични юмшатувчи сифатида қовоқнинг мағзи (гўшти) қўлланилади. У ошқозон фаолиятини яхшилайди, қабзиятларда (ич қотишда) ёрдам беради, кислоталикка боғлиқ турли ҳолатлар – гастрит, ошқозон яраси, ўн икки бармоқли ичак яраси, панкреатит ва гастропатия каби хасталикларда яхши таъсир қўрсатади. Қовоқ ўт ҳайдаш йўллари касалликларида ҳам энг яхши воситалардан саналади.

Хозирги вақтда ўсимлик данаги хомашёларидан ёғ олиш жараёнида олиб борилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатадики замонавий технологиялар ва ноанъянавий методлар орқали ёғ олиш жараёни салмоғи йил сайин ортиб бормоқда. Бу эса ўсимлик данакларидан ёғ ишлаб чиқариш жараёнининг ёрқин истиқболи ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Джўраев Х.Ф. Ўқтамова Ш.Ҳ. - Researching Of Oil Extraction Process from Pumpkin Seeds Using Non-Conventional Method of Energy Exposure. Global Scientific Review A Peer Reviewed, Open Access, International Journal www.scienticreview.com Volume 8, October 2022 ISSN (E): 2795-4951. 28-32 б
2. Джўраев Х.Ф. Ўқтамова Ш.Ҳ.- Analaysing of oil extraction process from pumpkin seeds by using non-tradational method of energy exposure. Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences Hosted online from Toronto, Canada. Date: 5th October, 2022. 182-186 б
3. Н.И.Бойжанов, М.К. Юсупова, З.К. Шукурллаева.- Қовоқ уруғларининг мойдорлигини аниқлаш ва унинг физик-кимёвий ҳусусиятлари. Science and innovation. International scientific journal. Volume 1 ISSUE 5,-2022: 8.2 | ISSN: 2181-3337, 210-214 б

4. Ўқтамова Ш.Ҳ.- Қовоқ уруғининг кимёвий таркиби ва ёғ олиш жараёнидаги аҳамияти«Инновацион техника ва технологияларнинг қишлоқ хўжалиги – озиқ-овқат тармоғидаги муаммо ва истиқболлари» мавзусидаги III Халқаро илмий-техник анжумани. Илмий ишлар тўплами. 2-қисм 20-21 апрель Тошкент-2023. 91-926